

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Ўзбекистон

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ № 33 — 34

(2570 — 2571)

1993 йил

30 АПРЕЛЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Гуруҳ жиловланди

Фарғона вилояти ҳамда қўшни вилоят ҳудудларида, қасддан одам ўлдириш, енгил машина ҳайдовчиларининг ҳаётига тажовуз қилиш йўли билан машиналарни олиб кетиш, фуқароларнинг шахсий ва давлат мулкларини ўғирлаш каби жиноятларни мунтазам равишда содир этиб юрган жиноятчилар гуруҳи маълум бўлди.

Жиноятчилар изидан вилоят ички ишлар бошқармасининг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция майори Ҳазратқулов бошчилигида биринчи бўлим катта оператив вакили, милиция капитани Д. Тожибоев, шу бўлимнинг оператив вакиллари милиция капитани Ю. Хўжаев, милиция катта лейтенанти А. Сатторовлар Қўқон томондаги туманларга йўл олдилар. Жиноятчиларни аниқлашда ва қўлга олиш учун Қўқон шаҳар, Данғара, Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлимлари ходимлари жалб қилинди. Милиция ходимлари эҳтиёткорлик билан иш олиб бориб турли табақадаги шахслар билан суҳбатда бўлиб, кечаю кундуз қидирув ишларини амалга оширдилар. Бунинг натижасида Данғара туманидаги Тўлабой қишлоғида номаълум шахсларнинг асал сотиб юрганлиги аниқланди.

Яна номаълум шахслар томонидан Фурқат тумани тайёрлов базасига бир тонна асалнинг ҳар бири килоси 280 сўмдан топширилганлиги маълум бўлди. Милиция ходимлари астойдил ишга киришдилар. Ниҳоят барча машаққатлар ва қийинчиликларни енгиб, жиноятчилар гуруҳи жиловланди. Бирин-кетин гумондорлар қўлга олинди.

Маълум бўлишича бу гуруҳ 1991-1992 йиллар давомида енгил автомашина ҳайдовчиларини сиртқоқ, арқон, тасмалар билан бўғиб, пичоқлаб ўлдириб, жасадларни сувга ташлаб ёки қувурлар ичига тиқиб юбориш каби оғир жиноятларни содир этиб, кўпга фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаб, қанчадан қанча кишилар бошига оғир кулфатлар келтирган экан.

1992 йил 8 август кунини Тожикистон Республикаси, Хўжаобод шаҳрида яшовчи, яққа қайиқчада сузиш бўйича собиқ СССР чемпиони бўлган Ф. Қурбоновни пичоқлаб ўлдириш, жасадини Фурқат тумани "Қолғандар" давлат хўжалиғи ҳудудида жойлашган қувур ичига тиқиб, унга қарашли бўлган "Жигули" машинасини жиноятчилардан бири бўлиши Т. Ю. га 10 минг сўмга сотиб юборишди.

Яна улар 1992 йилда Наманган шаҳар, Нуробод маззеси 3-ўйда истиқомат қилувчи З. Умаровни Тошкент шаҳридан Қўқонга икки минг сўмга ира қиладилар. Қўқон шаҳрига келганда эса бўғиб, хушдан кетказиб, тирикчилиги Фарғона каналига ташлаб юборишди, унга қарашли бўлган оқ рангли "Нўл олти" ни олиб кетишди.

Шунингдек, 1992 йил декабрь ойида Данғара тумани Урмон хўжалиғига қарашли 25 флак асални ўғирлаб кетишган. Шу асални секин-аста сотишгаганда "салб юришлари" ниҳоя топди.

Бу уюшган жиноятчилар томонидан учта "Жигули", Қўқон пахта тозалаш заводидан бир тонна пахта толаси ўғирланганлиги аниқланди. Текшириш ва суриштириш ишлари давом этмоқда.

Алижон ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ходими,
милиция майори.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида И. Каримовнинг "Ўзбекистон келажиги буюк давлат" ва

ҚЎШ АНЖУМАН

юборилди. Эндиги вазифа эса бошланган ишларни охирига етказишдан иборатдир.

"Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номи асарлари муҳокамасига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси қошидаги Сиёсатшунослик ва жаҳон иқтисодий муаммолари институти профессор, академик Садиқ Салимов ушбу китоблар ҳақида сўз юритиб, асарларда мустақил Ўзбекистоннинг йўли, дунё давлатлари орасида тугган ўрни ҳақида гап юритилиб, унинг келажигига юксак баҳо берилганлигига тўхталди.

Конференция қатнашчиларидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосарлари Бахтиёр Ҳақимов, Олимжон Жалилов, шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Равшан Акбаровлар музокарада иштирок этиб, таҳлил йўналишини ходимлар олдида турган вазифаларга қаратдилар.

Маърузачилар таъкидлаганидек, Президентимизнинг йил бошидаги қақирғига жавобан, Тошкент вилояти милицияси "Комплекс" тадбирини амалга ошириб, жиноятчиликнинг, айниқса оғир турларини камайишига эришдилар. Шу даврда 181 та жиноий гуруҳи фож этилиб, уларнинг 375 нафар аъзоси томонидан 227 та жиноят содир этилганлиги аниқланиб, тергов ишлари бошлаб

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимида ҳам ушбу рисодалар муҳокамасига бағишланиб, анжуман бўлиб ўтди.

Унда шаҳар милицияси ходимлари Карим Исроилов, Аслон Шабитдинов, Қобилжон Зиёев, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шокир Икромовлар сўзга чиқиб, Президентимиз рисодаларида келтирилган мулоҳаза, фикрларни тўлиғи билан қувватлаб, шахсий таркибни халқ осойишталигини таъминлашда фидойиликка чорладилар.

Анжуманда иштирок этиб, сўзга чиққан Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ ноиб Носир Исмоилов вилоятдаги жиноятчиликка қарши кураш аҳволини таҳлил қилди ва Президентимизнинг Сурхондарё ва Жиззахдаги нутқлари унинг рисодалардаги фикрлари билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади.

Анжуман қатнашчилари вилоят ички ишлар идоралари ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

М. МИРСОВУРОВ.



Ушбу сурат Тошкент вилоятининг Пскент тумани ички ишлар бўлимида олинган. Бўлим ходимлари — милиция капитанлари Эргаш Турсунбоев, Қудрат Бобошев ва милиция старшинаси Найман Нурхоновлар одатдаги иш кунининг навбатдаги ташвишли хабарини қабул қилиб олмоқдалар. Жавоб ҳам одатдагидек ва қатъий: "Ҳозир этиб борамиз!"

Сурат муаллифлари **Г. КАЗЕННОВ** ва **Е. БОТИРОВ.**

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ЖИНОЯТЧИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Қўқон шаҳридаги Қўқоний даҳасининг 100-уйига кечга томон юзига никоб кийган номаълум шахс бостириб кириб, уй бекасини уриб, қўлларини боғлади ва унинг учта тилла тақинчоқларини, 6 та эркаклар кўйлагини олиб кетди. Жиноятчини аниқлаш ва ушлаш чоралари кўриляпти.

СОМСАХОНА КОНИ ПУЛ-ДА...

Ургут тумани ИИВ ходимлари ўтказган оператив тадбирлар пайтида туман умумий овқатланш корхонасига қарашли сомсахона ишчиси, 1951 йилда туғилган А.Ғ.нинг уйдан 3 килограмм кўкнори ва 900 минг 570 сўм пул топилди. Терговни ИИВ олиб борапти.

НАШАЛИ МЕҲМОН

Андижон темир йўл шохбекатида, шахсини аниқлаш мақсадида ушланган Оренбург шаҳридаги елланма қурилиш бригадаси ишчиси, 1966 йилда туғилган Э.А. енидан бир килограмм 300 грамм наша топиб олинди. Э.А. устидан жиноий иш кўзгатибди.

АСАЛАРИЛАР ЭҒАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Зомин тумани ички ишлар бўлимига 1936 йилда туғилган В. Андреев мурожаат қилиб, уни номаълум шахслар уриб, 30 қути асаларисини олиб кетишганини айтиди. Қурилган тезкор тадбир туфайли зўравонлар ушланди. Улар Жиззах вилояти спорт кўмитаси ҳайдовчиси, 1961 йилда туғилган О.С. ҳамда Жиззах тумани жамоа хўжалиғида яшовчи, вилоят "Агропромтранс" ҳайдовчиси, 1968 йилда туғилган А.Х. бўлиб чиқди. Далилий ашё сифатида В. Андреевдан тортиб олинган 30 яшиқ асалари топилди. Улар эғасига қайтарилди.

ОВ МИЛТИҒИНИ ТИРАБ...

Қибрай туманидаги "Туркистон" жамоа хўжалигининг даласида Чирчиқ шаҳрида истиқомат қиладиган З.Т.нинг ВАЗ-2106 белгилли, 68-18 ТШУ рақамли машинасини номаълум шахслар тўхтатиши ва ов милтиғини тираб,

кабинадан тушириб юбориши. Ўзлари эса машинага ўтириб гойиб бўлишди. Жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўриляпти.

ЎГАЙ ҚИЗИНИ ЎЛДИРДИ

Ғузур туманидаги Мейли Раҳмонов жамоа хўжалигининг Чақар қишлоғида яшовчи уй бекаси, 1964 йилда туғилган Р.О. ўз уйида 5 ёшли ўғай қизини уриб, тепиб, кийнаб оғир тан жароҳати етказди. Натижада Робия туман марказий шифохонасига келтирилди. Бироқ шифокорлар унга ердан беришолмади. Робия оламдан ўтди. Р.О. ушланди.

УЧ КИШИЛАШИБ...

Балиқчи туманидаги "Роҳат" кафеси қоровули И.С., III гуруҳ ногирони А.Ж. ва ҳеч қаерда ишламайдиган А.А. лар Улугбек номи жамоа хўжалиғида истиқомат қиладиган, 1965 йилда туғилган М.А.ни уйдан олиб кетиб, Қорадарё бўйида унинг номусига тегишди. Терговни прокуратура олиб борапти.

ПАДАРКУШ

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида Давлатобод жамоа хўжалиғидан оқиб ўтувчи анҳордан қопга жойланган жасад топилди. Унинг шахси аниқланди. Қопдаги жасад "Соҳибқор" жамоа хўжалигининг Сочак қишлоғида, 1946 йилда туғилган Т.Б. экан. Қотил эса унинг ўгли бўлиб чиқди. Падаркуш ҳибса олинди.

УЙДА ГРАНАТА

Оққўрғон туманида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Алимкент кўрғонининг Ленин кўчасида истиқомат қилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Р.К.нинг уйдан бир дона жанговар РГД граната (запали билан), қўл кишини, икки дона никоб топиб олинди. Р.К.нинг очилмаган жиноятларга алоқадорлиги аниқланмоқда.

ОНАСИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиззах шаҳридаги Ишчилар кўчасида жойлашган вокзал боғидан целлофан қопга солинган янги туғилган чақалоқнинг (қиз бола) жасади топилди. Жасаднинг онаси қидирилмоқда.

Т. МУРОДОВ.

Тобора кучайтиряпмиз

Мустақил Ўзбекистоннинг келажигини ақл-идроқли, билимдон, фан ва техникани пухта эгаллаган иқтидорли ёшларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги иқтисодиётимиз оғир кечаётган бир пайтда ҳам Республикамиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов барча имкониятларни ҳисобга олиб, ёшларни баркамол, етук инсонлар бўлиб етишишида жуда катта ижтимоий Ҳимоялаш ишларини амалга оширмоқда.

Бунга жавобан Андижон шаҳар ички ишлар бўлими воёга етмаган ёшлар билан ишлаш назорати бошлиғи, милиция капитани Рустамжон Урмонов етакчилигидаги ходимлар ҳам кўплаб тарбиявий ишлар қиляптилар.

— Маълумки, воёга етмаганлар билан шуғулланишнинг ўзи бўлмайди. Чунки амалга ошириляётган тадбир-чораларга қарамай, 1992 йили воёга етмаганлар орасида 1064 та тартиббузарлик содир этилди ва инспекцияга олиб келиниб, улар билан профилактик ишлар олиб борилди. Тартиббузарларнинг 496 таси мактаб ўқувчилари, 72 таси хуна-техника бидим юртлари, 8 таси эса техникум талабалари, 232 таси эса ҳеч қаерда ўқимамай, ишламай, фойдала меҳнатдан бўйин товлаб юрганлар эди. Бу ҳол инспекция ходимларини анча ташвишлантириб қўйди. Мактабларда, билим юртлар, техникумлар, маҳаллалар, турар-жой бошқармалари ва бошқа жамоат жойларида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шаҳар ҳудудида 7 та турар-жой бошқармаси, 52 та маҳалла кўмиталари мавжуд. Уларда 300 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладди. Ёшлар тарбиясида бизга Қаҳрамон Мураев, Бобо Саъдин, Сирожиiddин Ҳайдаров, Тожиддин Қодиров раислик қилаётган "Тўққизариқ", "Яхши" маҳалла кўмиталари 1, 2, 4, 7-турар-жой бошқармалари иложи борича кўмаклашяптилар.

Аммо шунга қарамай жиноятлар гоҳ у чеккада, гоҳ бу чеккада содир бўлиб турибди. Жиноятларни очишда жонбозлик кўрсатиб келаётган ходимларимиздан — милиция катта лейтенанти Адҳамжон Олимов, милиция лейтенантлари Зоҳиджон Йўлдошев, Тоҳиржон Эсоновлар 1993 йили 18 январь кунини 12-ўрта хуна-техника билим юрти ётоқхонасида бир талабадан Т.Х. исмли шахс зўравонлик билан 165 сўм пулини тортиб олганда шериклари билан ушландилар. Худди шундай воқеа шу йилнинг 2 февраль кунини юз берди ва яна бир талабадан О.А. исмли шахс 500 сўм пулни зўрлик ишлатиб олган пайтда қўлга тушди.

Халқимиз Республикамиз мустақиллигини қўлидан келганича мустақамлашга азму қарор қилганлар. Шундай пайтда бировнинг йўлини тўсиб, ўғирлик қилиб, янги экиб қўйилган ниҳолларни, гул қўчатларини, симёгочлардаги лампочкаларини синдириб юрган ёшларга нима дейиш мумкин!

Мана шунинг учун ҳам ишни тобора кучайтиряпмиз.

Маъмуржон БОЛТАБОВЕВ,
жамоатчи мухбир.

Ваҳшийлик

Ургут туман ИИБга Баҳрин жамоа хўжалигининг Янгиқошроқ ҳудуддаги йўл устида пичоқлаб ўлдирилган ёш аёлнинг жасади топилганлиги ҳақида хабар келди. Якшанба кўни бўлишига қарамасдан, теъдда бўлим ходимлари оёққа турғазилди. Шу кўни олиб борилган тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида ушбу қотилликни содир қилган, ўлдирилган аёлнинг эри — Х. Н. кеч соат 20 да ушланиб, қамоққа олинди ва ўз айбига иқроор бўлди.

Ушбу жиноятнинг яна бир муҳим томони шунда эдики, аёл ўзининг икки яшарлик гўдаги кўз ўнгида чавақланганди. Милиция ходимлари етиб келганларида бола онасининг совиб қолган қўлларидан тортиб, турғазига ҳаракат қилар эди...

Телевизор шайдолари

Кечаси номаълум шахслар Ш. Рашидов номли жамоа хўжалиги Дўн-қошроқ қишлоғида яшовчи З. Бердиева деган аёлнинг уйига дераза орқали кириб, унинг телевизорини ўғирлаб кетдилар. Ҳозирги пайтда битта телевизорнинг баҳоси осмон баробар бўлгани учун, эри олти ойдан буён касалхонада ётган муштипар аёл чирқиллаб, милицияга йўғлаб келди... Тезкор ходимлар ва участка вакилининг ўз вақтида ўтказган тадбирлари натижасида жиноят 24 соат ичида очилиб, телевизор эгасига қайтарилди ва ўғрилар устидан жиноий иш қўзғатилди.

О. МАЪРУПОВ,
Ургут туман ИИБ бошлиғи муовини,
милиция майори.

Мактабга кўз олайтиришди

Ғ. Азаматов номли жамоа хўжалигида жойлашган 11-ўрта мактабнинг ўқитувчилари хонасидан "Тавриус" номли телевизор билан "Илга" радиоси ўғирлангани ҳақида милиция навбатчисига маълумот тушди.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, айниқса жиноятчиларнинг ҳали йўқолмаган издан тезкорлик билан тушиш ўз натижасини берди. Кечга бориб шу жамоа хўжалигида яшовчи Раҳим, Пўлат, Шухрат ва Элёрлар гумондор тарихида милиция идорасига келтирилди. Савол-жавоб давомида улар мактабда содир этилган ўғирликда ўзларининг қўллари борлигини тан олишди. Мактаб мулки қайтарилди.

Буқадан сўнг сигир ҳам қайтди

Ровот жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Соли Бўтаев бир бош буқасини номаълум шахслар ўғирлаб кетишгани ҳақида ариза билан келди.

Яна ишга иш, ташвишга ташвиш уланди. Милиция ходимлари қўшни туман ва вилоятларнинг мол бозорларига ва шубҳа туғдирган жойларга жўнатилди. Сидқидилдан қилинган меҳнат ўз натижасини берди.

Буқа ўғрилари Ғ. Азаматов жамоа хўжалигида яшовчи Соли, Дилмурод ва Мамарамлар бўлиб чиқишди. Бу "азаматлар" бир буқанинг пулини бўлиб оламиз, деб тузган режаларини амалга оширишмоқчи бўлганларида қўлга олинди. Эндиликда уларнинг устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Текшириш давомида буқа ўғрилари Ровот жамоа хўжалигида яшовчи бошқа шахс — Урозали Убайдуллаевга тегишли бир бош сигирни ҳам "гум" қилишгани аниқланди. Энди бу қилмишлари учун уларнинг ўзлари қаёққа "гум" бўлишлари суд давомида маълум бўлади.

Гиёҳвандлар

...Ҳамза номли жамоа хўжалигида яшовчи Облақул билан Ҳасанлар яшайдиган уй кўздан кечирилганда ҳам бирининг хонасида ўртача 5 килограмм келадиган наркотик модда ноқонуний равишда сақланаётгани маълум бўлди. Бу шоввозлар устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Бурҳон ҲУСАНОВ,
Муҳаммаджон СОИПОВ.
Буқа тумани.

МУХБИРЛАРНИНГ

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг ташаббуси билан бир гуруҳ мухбирлар вилоятдаги айрим ички ишлар идоралари олиб бораётган ишлар билан танишдилар. Қўйида бу нарса қандай юз бергани хусусида сўз юритмоқчиман...

Мухбирларга вилоят ИИБ ШТИХХ бўлим бошлиғи муовини, ички хизмат подполковниги М. Мирсовуров йўлбошловчилик қилди. Албатта, журналистлар қай тарзда белгиланган жойларга етиб олишганини айтиб ўтирмайман, бу

нарсани ички ишлар идораларининг бугунги кундаги техник ва бошқа ҳолатларини белгиласада, ўқувчи учун ошқоқдай туюлиши мумкин. Хуллас журналистлар сафари вилоят ИИБ ДАНБнинг учинчи алоҳида ротаси билан танишидан бошланди.

“Права” кетса жон қолар



Ротага яқиндан буён милиция майори Саидкарим Сайдалиев командирлик қилаётган экан. Рота Тошкент — Ангрен йўлининг 12-километридан 133-километригача бўлган оралиқни назорат қилади. Утган давр бултурги шу вақтга нисбатан йўл-улов ҳодисалари икки қиссасига камайди. Бултур улар назорат қиладиган йўлда 14 йўл-улов ҳодисаси бўлиб, уларда 6 киши ҳалок бўлган, 14 киши жароҳат олган. Бу йил ҳам бу кўрсаткичлар 7,3 ва 5 га тўғри келди.

Ушбу сатрлар муаллифи рота командирининг шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазалаш бўйича муовини, милиция майори Исроил Тургунов билан мулоқотда бўлди.

У кишининг таъкидлашича йўл-улов ҳодисалари, асосан шахсий уловлар ҳисобига юз берапти. Юқорида айтилган 7 та фалокатнинг 4 таси йўловчиларни уриб кетиш, қолгани тўқнашув экан. Ҳар кўни 20 нафардан ортиқ ходимлар йўлга чиқади ва улар томонидан ҳар хил қоидабузарликлар учун қўнига 90 дан 120 тагача маъмурий баённомалар тузилапти. Мухбирнинг қоғозбозлик шу ерга доғур етиб келибди-да, қабилидаги пичингига, у киши бу иш унчалар оғир эмаслигини таъкидлаб, пичингига баённома қозғовини кўрсатди. Дарҳақиқат оғир эмас экан. Ҳайдовчининг исми шарифи, машина, қоидабузарликнинг номи, вақти ёзилса бас экан. Қолгани тайёр. Бирмунча ўйлантирадигани нозирлардан жарима солиш ҳуқуқини олиб қўйгани экан. Бир томондан буни ҳайдовчилар ҳам тушунмай, кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирда асосан йирик қоидабузарлардангина жарима ундирилмоқда. Кичиклари, дейлик, йўлни нотўғри кесиб ўтиш, шлёмсиз мотоциклчиларга деярли чора кўрилмапти. Тўғри, нозирлар буларга 30 сўмдан 300 сўмгача жарима солиш ҳуқуқига эга. Аммо, шусиз ҳам шошиб, йўлни кесиб ўтаётган пидани, 30 сўм жарима тўлаб кел, деб банкка жўнатиш ҳам қизиқ бўлса керак.

Ротада иккита нарқологик гуруҳ ишлаб турибди. Бири кундузи ишласа, иккинчиси

кечаси мунтазам йўлга чиқади. Уларнинг ҳар бирида учта нозир, битта зобит ва врач фаолият кўрсатади. Маст-аластлар шу жойнинг ўзидаёқ текширилиб, чора кўрилади. Дарвоқе, мухбирлар ташриф буюрган кўни улар тўртта маст ҳайдовчини туттишган экан. Муаллифини ҳайдовчи маст бўлган пайтда қўлланиладиган чоралар қизиқтириб қолди. Ҳар ҳолда, сиз маст экансиз, “права”ни чўзингу, туёқни шиқиллатиб қолинг, дейилмас... Ҳар тугул сал бошқача экан. Ҳайдовчилик гувоҳномаси, талон ва улов олиб қўйилар экан бундай ҳолатда. “Фалон модданинг фалон банди бўйича, — изоҳ берди Исроил ака маъмурий чора кўриш бўйича нозир, деб таништирган йигит, — одамларда нотўғри фикр уйғонмасин-да, тўғрими?” Турган гапки, муаллиф у айтган моддаю бандларни ёзиб улгургунча ёдидан чиқарди.

Яна битта масала очиб қолаётган эди. Бу рота бевосита вилоят ДАНБга бўйсунса, икки орада туман ички ишлар бўлимлари ДАНБлар ҳам бор-ку... Муаллифнинг бу борада кимга бўйсунини, ёки ким кимни назорат қилиши ҳақидаги қўполдан-қўпол саволига милиция майори жавоб бера туриб, туман ИИБ ДАНБлари ва рота бевосита бири-бирисиз (буниси уни, униси буни бўйсундирмаган ёки назорат қилмаган, ҳолда) фаолият олиб боришларини, фақат маъмурий чораларни туман ИИБ ДАНБлари

қўришларини, булар ҳам аниқланган ҳар қандай қонунбузарликлар ҳужжатларини ўша яшаш жойи бўйича ДАНБларга жўнатишларини айтиб ўтди.

Ҳайдовчиларнинг кайфияти ҳақида қизиқиб кўрилганда, Исроил ака ва шу ерда турган бир капитаннинг гапидан маълум бўлдики, улар жарималарнинг миқдори ошганидан бирмунча норози (бу-ку бор гап, ҳеч ким чўнтагидан пули кетиб турганда “худого шукр”, демайди). Капитаннинг айтишича, ҳайдовчилар гўёки буларнинг ҳаммаси ДАНчиларнинг ўзидан чиққандек уларга кўз олайтираётганмиш. Ҳолбуки улар фақат ижрочи ҳолос, қонунни бошқалар чиқарса, жаримани эса бутунлай ўзгалар олса. Майор унинг гапини “текислади”: “бу бизнинг вазифамиз”.

Гап ҳайдовчиларга тақалган экан, уларнинг қўполлашиб бораётгани таъкидланди. Бўлар-бўлмаста бақирадиганлари кўп. Топиб олган гаплари: “Олсанг “права”ни олсанда, жонимни оларимдин...”, “Ўзи шундай дейдию ҳайдовчилик гувоҳномаси билан қўшилиб жони ҳам чиқиб кетаётгандек типирчилайди.

Шу муносабат билан (яъни кўп ҳақоратларга дуч келавериш) нозир ҳам педагог, ҳам рўҳшунос бўлиши лозим. Ахир қўнига нечта одам билан гаплашишга тўғри келади. Ҳар бирига ўзига яраша муомала қилиш лозим. Бу гапларни Исроил ака айтиди ва берилиб тинглаб турган муаллифини бир кун бўш вақт топиб келиб ўзлари билан постда туришга таклиф қилди. Ҳаммасини ўз кўзи билан кўргани дурустда.

Муаллиф таклифга розилик билдиргач суҳбат ўз мавзусида давом этди.

Ротанинг тўққизта кўчма мунтазам, битта тургун пости бор. Тургун пост милиция старшинаси Абдумажид Норбоев номи билан аталади. У шу ротада хизмат қилган ва 1987 йилнинг 13 февралда шу постда ҳалок бўлган. Хизмат вазифасини бажариш чоғида йўловчи машина уриб кетган.

Суҳбат тамом бўлиб, ҳамсуҳбатлар ташқарига чиқишганида бир гуруҳ мухбирлар нариги ДАН постига равона бўлишгаётгани.

Жиноятчилар “романтика”га берилмоқда



Бир амаллаб Олмалик шаҳар ИИБга етиб олишганида соат чамаси, кечки саккизлардан ошиб қолганди. Мухбирлар бу ерда ИИБ бошлиғи, милиция майори М. Мирзасев билан учрашишди. У киши шаҳарда аҳвол деярли яхши экани, фақат мулкий ўғирликлар, бунинг ҳам фуқароларнинг шахсий хонадонларида юз бераётгани бир мунча ташвишлантираётганини айтди. Кейин, ИИБ янги бинога кўчиб, шаҳар чеккасига чиқиб қолгани, натижада эски бино атрофида бироз назорат сусайиб, бу ҳудудда жиноятчилик сезиларли даражада ўсганини, бунинг олдини олиш мақсадида бошқарманинг руҳсати билан, ҳокимлик билан келишиб ўша бинода милиция шаҳар бўлинимаси очишгани, ҳозирда аҳвол дурустлигига тўхталди. Бундан ташқари сўз жиноятчиликнинг камайгани, қўриқлаш бўлинимасининг муаммолари, ютуқлари, шу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида борди.

Ушбу битиклар муаллифи эса ўзини қизиқтирган саволларга батафсилроқ жавоб олиш мақсадида бошлиқнинг оператив ишлар бўйича муовини, милиция подполковниги Саловат Қурбонбоев билан мулоқотлашди.

Саловат аканинг маълум қилишича, кечаси юз бераётган ўғирликлар, асосан гаражларда юз бераётганларига қарши иккита тунги гуруҳ тузилган. Улар кечаси соат ўндан эрталабки олтигача фаолият кўрсатишади. Гуруҳнинг таркибида ҳамма

хизматдан вакиллар бор. Улар кечаси бу ердан йўриқ ва кўрсатмалар олиб кетишади ва эрталаб қилинган ишлар хусусида ҳисобот беришгани келади. Улар фаолият давомида шунингдек ташкилотлар, корхоналарнинг қоровулларини назорат қилишади.

Статистика фуқаролар ишга кетгач, қаровсиз хонадонларда ўғирлик юз бериш ҳоллари кўпайганини кўрсатди. Бунга қарши чора сифатида кундузги гуруҳлар ҳам тузилди. Улар эрталаб соат саккизда хизматга киришиб, чошгоҳ — соат бирларда келиб, қилинган ишлар хусусида ахборот беришади. Бу гуруҳда шаҳарда жойлашган бошланғич тайёргарлик мактаби курсантлари ҳам

қатнашишапти. Булардан ташқари туну-кун ишловчи ДАН пости фаолият кўрсатапти.

Шаҳардаги оператив аҳволга келганда эса, милиция подполковнигининг таъкидлашича, унчалик ёмон эмас, кўрсаткичлар бултургига тенг. Муаллифнинг бугунги кунда жиноятчиликни оширмасдан, бир зайдла ушлаб туриш ҳам катта гап эканлиги ҳақидаги шамасига Саловат ака ҳам қўшилди. Бунинг учун катта куч сарфланаётганини таъкидлаб, жиноятчиларнинг очилиш даражаси ҳозирча яхши кетаётганини эслаб ўтди. Жумладан, яқингинада катта бир сурбет гуруҳни фош қилишди. Ҳозирча улардан 14 киши қўлга олинган. Қолганлари қидирувда, уларнинг зиммасида турли хил оғир жиноятлар бор. Ҳозирда тергов олиб борилапти. Саловат ака яна айтдики, туманда

“Комплексе”, “Тун”, “Дарвоза” каби тадбирларга катта аҳамият берилмоқда. Буларни амалга оширишда қўшни бўлимлар билан алоқа яхши йўлга қўйилган. Нашавандлик кейинги пайтларда кишини ташвишга соладиган вазиятга келиб қолди. Айниқса, бу нарсага ёшларнинг ружу қўйиши ўйлантирадиган муаммо. Шу ҳолат бўйича бултур шу даврда бешта бундай факт аниқланган. Бу йил эса ўнтага етди. Буларга бевосита чет эл фильмларининг таъсири катта кўринади. Чунки содир этилаётган жиноятлар кўпинча ўшаларга ўхшаб қолмоқда.

ТУНГИ САЁҲАТИ

Охангарон туман ИИБда мухбирларни интиқ кутиб ўтиришган экан (олдиндан хабарлашиб кўйилган-да). Борди-кедди гаплардан сўнг мусохабага киришилди. Муаллифнинг сезишича, туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Эргаш Эркаев анча сўзамол экан. Ҳар куни матбуот конференцияси ўтказиб турадигандай тутади ўзини.

Мухбирлар ўзларининг пойқадамлари қандай бўлгани, яъни бугунги оператив аҳвол билан кизиқишди.

Айтарлик ҳеч нарса бўлмапти. Кичик бир ўғирлик юз берибди, холос. Тошкентдан келган йигитчалар совитгич, телевизор, радиоприёмник ўғирлашибди пионер лагеридан. Машинада олиб кетишга тўхтаганда тутишган.

Эргаш ака, аслида шаҳар бўйича мутахассис экан, милициядаги фаолияти мобайнида ҳар доим шаҳарда хизмат қилган. Бир йилдан буён эса туман ИИБни бошқариб келмоқда. Айтишича, туманда ишлаш бирмунча оғир. Аҳоли ёйилиб, кетган, ҳудуд катта. Шахсий таркиб эса аҳоли сонига нисбатан белгиланади. Бундан ташқари жиноятнинг изига тушиш ҳам оғир. Мухбирлар бунинг сабабини сўрашганда милиция подполковниги ўзларининг ҳам сирлари бўлишига шама қилди. Туман ИИБнинг асосий кучи участка вакиллари экани хусусида гап борди. Асосий муаммо — кадрлар масаласига тўхтаб ўтилди.

Туманда жиноятчилик ўтган даврда бултургица нисбатан ўн фоизга камайган. Оғир жиноятлар ҳам содир этилиб турибди. Шу кунгача учта қотиллик юз берган. Аммо ҳаммаси очилган. Бир қарашда боши-кеги кўринмайдиган ҳодисалар ҳам бўлиб туради. Хусусан,

Кечаси соат бирлардан ошиб бораётганлиги туфайли, мухбирларнинг ишчанликлари бироз сўнгандай бўлди, балки якка-якка материал йиғишга тушишгандир. Ишқилиб муаллифга Охангарон шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция майори Йўлдош Ҳусанов билан яккама-якка суҳбатлашиш насиб қилди. Бутунлай эмас, албатта, сал ўтмай суҳбат учун навбат кута бошлашди.

Умуман туман ИИБдан шаҳар ИИБга ўтиш учун кўп овора бўлиш шарт эмас, йўлакдан ўн одим кўйилса бас, у бошлиқдан бунисига тушилар экан. Қисқаси, иккаласи битта бинода жойлашган. Ҳозирча.

Бу ерда вазият бир қадар ўзгача. Бошқа бўлимларда бўладиган жиноятчиликка қарши кураш билан бир қаторда бу ерда кам-кўстларни тўлдириш муаммоси ҳам бор. Сабаб: бўлимнинг тузилганига яқинда бир йил бўлади, тўғрироғи тузиш ҳақида буйруқ чиққанига, иш бошлаганига эса саккиз ой бўлапти. Ўтган давр мобайнида бир қадар ташкилий ва хўжалик ишлари амалга оширилди. Хўжаликлар ҳисобидан 10 та иш ўрни очилди, шаҳарнинг кириш қисмига ДАН пости ташкил этилди, барча таянч пунктлари таъмирдан чиқарилди, яқингинада шаҳар ҳокимининг қарори билан пуллик дружиначилик хизмати ташкил этилди. Уларга корхоналар пул тўлайди. Ҳозирда 32 нафар шундай дружиначи фаолият кўрсатмоқда. Бўлимнинг ўз ёрдамчи хўжаликлари бор.

Йўлдош ака ҳамсуҳбатининг «ИИБ ташкилий ишларга берилиб кетиб,

Ҳар ким ўз дуторини чалади



яқинда бир аёл ўзининг уч яшар ногирон боласини захарлаб ўлдиради. Айерлик қилиб, уйдаги анжомларни титиб ташлайди, милицияга мурожаат қилади, кимдир уйга кириб, боламни ўлдириб кетибди, деб. Текшириб кўрилса аҳвол бошқача.

Муаллифнинг «Тун», «Дарвоза» каби тадбирларни ўтказиш хусусидаги саволига милиция подполковниги ҳар ким ўз дуторини чалишини айтди. Бу ерда асосий эътибор мол ўғирлигига қаратилган. Унинг олдини олиш мақсадида ходимлар уч кун — жума, шанба ва якшанбада туну кун хизмат қилишади. Қисқаси ИИБнинг ўз тадбирлари бор. Бу гап муаллифга ҳам ёқди. Ҳар ҳолда юқорининг қолиғига тушиб кетавериш билан бир ишни дўндириб бўлмас.

Йўл ёқасидаги шаҳар



жиноятчилар ялло қилиб юришмаяптими?», — қабилидаги саволига жавоб берар экан, бу биринчи даражадаги вазифалари эканлиги, оғир жиноятлар бир мунча кўпайганию, давлат мулкани ўғирлаш бултур, биринчи кварталда 11 марта юз берган бўлса, бу йил 4 та, шу даврда бултур гиёҳвандликка алоқадор 10 жиноят аниқланганию бу йил 13 тага ортганини, бир жиний гуруҳдан 8 кишини қўлга олишгани, биттаси қидирувдалиги, заводларда иш олиб бориб, четга мис чиқариб юбораётганларни туттишгани, шахсий мулк ўғирлиги бултургица тенгу очилиши яхшироқ эканлигини эслатиб ўтди.

Суҳбатда шаҳарнинг географик ҳолати оператив вазиятга таъсир қилиши хусусида гап борди. Шаҳар кичкина, заводлар кўп. Буларда турли жойлардан келиб ишлашади, бунинг устига асосий йўлнинг ёқасида жойлашган. Шулар ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирда шаҳарнинг чиқиб жойидан ҳам битта ДАН

Гап гиёҳвандлик мавзусига тақалди. Эргаш ака, бу борада сезиларли натижалар борлигини айтди. Хусусан, «айрим ашаддий гиёҳванд ёки гиёҳванд модда сотиш орқали бойишни орзу қилганларнинг жазоланиши бошқаларга иборат бўлапти», — деди.

Муаллифни гиёҳванд экинларни яширин равишда экиш, бунга қарши кураш масалалари кизиқтирди.

Таъкидланишича, гиёҳванд экинлар тоғнинг чиқиш қийин бўлган жойларида экилади. Уларни топиб, йўқ қилиш осон иш эмас. Бунинг учун кўпинча пою пиёда кезишга тўғри келади, чунки бундай «экинзорлар»га вертолётлар ҳам ўтолмайди. Уларни йўқ қилиш масаласига келганда эса, яқинда «Қора дори» тадбири бошланди. Ҳозирча эса бу борада маълумотлар йиғилапти. Муаллиф Эргаш аканинг Ургут туманидаги ҳамкасблари билан мулоқотда бўлганида улар бундай экинларни ҳозирданок йўқ қилишга киришишганини айтишганди. Буларнинг иш услуби ўзгача экан... Ҳар ким ўз дуторини чалиши тўғри, чамаси.

Мухбирлардан бирини бу ерда етиштирилган гиёҳванд моддаларнинг сифати кизиқтирди. Аммо бу саволнинг аниқ жавоби бўлмади. Чамаси бошлиқнинг бу борада тажрибаси камроқ (бошидан ўтмаганнинг қошидан ўтма дейишарди, назаримизда бу ҳақда халқ). Татиб кўрмагач, сифатини қайдан биласан...

Яна кимдир фоҳишабозлик билан кураш масаласига кизиқди. Атрофдагиларнинг енгилгина истеҳзосидан сўнг, орқасидан шунақа муаммонинг бор-йўқлигини шоша-пиша сўради. Йўқ, бор экан чамаси, бу иш билан битта ходим шугулланар экан.

пости ташкиллаштириш режалаштирилмоқда. Бошлиқнинг уқтиришича шундай бўлса, шаҳар ўртада қолиб, бу оператив ҳолатга ижобий таъсир қилади.

Шундан сўнг муаллиф ҳамсуҳбатини бир ҳамкасбига топшириб, шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция катта лейтенанти Ҳамдам Раҳимов ва икки киши мухбирлар билан тил топишолмай турган хонага бош суқди. Хона алланима балоларга лиқ тўла эди. Кейин маълум бўлдики, булар яқинда тутилган ўғирлардан олинган нарсалар экан. Маълум бўлишича, гап кимнинг суратга қандай тушиши хусусида бораётган экан. Улар масалани ечгунча Ҳамдам ака муаллифга қандай қилиб иккита ўғрини тутишганини гапириб берди...

Мухбирлар Тошкентга кириб келишганида хўрозлар саҳардан дарак бериб қичқирмоқда эди. Хуллас, мухбирларнинг тунги саёҳати шу тарзда якун топди.

Шоҳ МУРОД.

Суратларда:

1. Йўл-патруль хизмати ротасининг йигитлари А. Норбоев номли постда уловни кўздан кечиришмоқда.

2. Олмалиқ шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция майори М. Мирзаев мухбирларнинг саволларига жавоб берапти.

3. Охангарон тумани ИИБ участка вакили Қ. Ҳожиев ИИБ бошлиғи Э. Эркаевга мусодара қилинган куролни кўрсатмоқда.

4. Ниҳоят келишишган кўринадди. Сурат чиқибдику. Уйда Охангарон шаҳар ИИБ ЖҚБ оператив вакили А. Мирзаҳмедов ва терговчи М. Исоқовлар тасвирланган.

Суратлар муаллифи Ҳабибулла ШОДИЕВ.

ҚИМОР АЙЛАДИ ХОР

Икки йигит берилиб қимор ўйнард.

Икковининг ҳам дарди пул. Лекин пул ҳеч қачон осмондан тушмайди, бир-биридан олиши керак. Мана, қиморбозлардан бири — Тоҳир ютқазиб қўйди. Энди уни тўлаши лозим. Пулни қаердан топади?

Тоҳир ўйлай-ўйлай, охири уйдаги телевизорни, жонини суғургандай, Ойбекка берди ва қарзининг ярмидан қутилди. Қолганини қандай узса эди? Бу савол Тоҳирнинг миясини тинмай пармалар эди. Бироқ у қанча ўйламасин, ўғирликдан бошқа йўл тополмади.

Кечки соат саккиз яримлар эди. Тоҳир Андижон шаҳар, Қирғиз кўчасидаги 93-ҳовлига секин писиб кириб борди. Ҳовлида уй эгаларининг гап-сўзлари эшитилиб турарди. Ўғри шошиб ертўлага-беркинди.

Худди шу пайтда уй эгаси, кичкина Муҳаммадшокирга велосипедининг орқа нур қайтаргичи керак бўлиб қолди ва ертўлага тушди. Ўғри Тоҳир эса юзига хотинининг пайпоғини кийиб, Муҳаммадшокирнинг орқасидан бориб ушлади, орзига пахта тиқди. Сўнг қўлларини боғлаб ташлади ва жим бўлишни талаб қилиб пичоқ ўқталди.

Воқеадан Муҳаммадшокирнинг синглиси Ҳабибахон хабардор бўлиб қолди. У қўшнилариникига чопди-да, уларни чақириб чиқди. Тоҳир ертўла эшигини танбалаб олиб, биқиниб ўтирарди. Қўшнилари Рустам, Тождидин ва Адҳамжонлар эшикни бузиб очипди. Тоҳир Рустамни туртиб йиқитиб қочмоқчи эди, урдасини қиллолмади. Муҳаммадшокирнинг қўли ечилиб, Тоҳирники боғланди.

Эндигина йигирма олти баҳорни кўрган Тоҳир Сайфуддинов кейинги баҳорларни қамоқда кутиб олади. Чунки у суд томонидан етти йилга кесилди, мол-мулки мусодара қилинди.

Хуллас, қимор айлади хор.

Ҳ. ХОЛИҚОВ,
суд маслаҳатчиси.

ТАЪМИ ОҒИЗДА ҚОЛДИ

Ш. Эргашев дўкон мудир, П. Фозилов ишчи, Ш. Саъдуллаев эса Жиззах шаҳридаги гимназияда тарбия беради — ўқитувчи. Буни қарангки, уларнинг касб-корлари турли бўлса-да, орзулари бир бўлиб чиқди. Оғайнилар тўпланишдию кўнгиллари қўзи гўштини тусаб қолди.

Улар йўлда кетатуриб, ўтлаб юрган қўйлар ортида маъраб бораётган қўзини мўлжалга олишди.

Жиззахлик Н. Ширинкуловга дўқ қилиб қўрқитиб, унинг «йўқ, бермайман» деб ҳарчанд уринишига қарамасдан зўрлик билан бечора қўзичогини тутиб олиб кетишди.

Барра гўштнинг таъми оғизда қолганлигини гапирмаса ҳам бўлади, лекин кичкинагина беозор қўзичоқ ўзидан ўн чандон катта девқомат улфати дўстларни шунчалик уялтириб қўйишини ўйлашмаган экан.

С. СУЛАЙМОНОВ.

ДУШАНБА

3 МАЙ

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ўйинчок". Телефильм. 18.25 "Чаман" фольклор-ракс ансамблининг концерти. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Эълонлар. 19.55 "Ўзбекистон". Телевизион киножурнал. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Замин саховати — меҳнатдан". Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Маматкул Ҳазратқуллов. "Кўнгил пиёласи". Теленовелла. 22.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малоҳат Дадабоева куйлайди. 22.55 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нефчи" (Фаргона — "Пахтакор" (езиб олинган)).

00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. "Совга". 19.00 "Мулоқот". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Йўл интизомни ектиради". 20.30 "Лаҳза". Хабарлар. 20.45 "Туғишгандан афзал". Бадий фильм. 22.15 "Лаҳза". Хабарлар.

"ОРБИТА IV"

6.35 "Яқунлар". 7.20 "Спорт-имконият". 7.50 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 8.15 "Эльдорадо". 8.45 "Соло". 9.15 Телеэкранда биринчи марта. "Нажот киргоғи". Бадий фильм. 2-серия. 10.25 "Янги номлар". 11.05 "Шекспирада" мультсериал премьераси. 3-фильм — "Макбет". 11.35 "Уч, етти, туз". 11.45 "Огонек" — 70 ешда. 12.25 "Хўрланганлар". Бадий фильм. 1-серия (Франция — Италия). 14.00 Янгиликлар. 14.25 "Хўрланганлар". Бадий фильм. 2-серия. 15.35 "Гол". 16.05 "Иқболи кулганда". 16.45 "Саёҳатчилар клуби". 17.40 "Тақдирда бори...". Элина Бистрицакя. 18.30 "Осойишталик". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал премьераси. 13-серия. 20.55 "Спорт-уйк-энди".

"Янги-студия" таништилади: 21.10 "Матбуот-клуб". 23.35 "Бомонд". Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 00.15 "Модалар сеҳри".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Мульти-пульти. 7.30 "Рост" студияси. Бизнинг "Аралаш-куралаш". 8.00 "Биз гўе тугундек эдик". Хужжатли фильм премьераси. 9.30 "45" публицистик кўрсатуви. 10.15 Андрей Вознесенский. "Видеомалар". 10.40 Мульти-пульти. 11.00 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 11.45 Телеэкранда премьераси. "Телба Лори". Бадий фильм. 1-серия. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 "Телба Лори". Бадий фильм. 2-серия. 14.10 Мульти-пульти. 14.20 "Тверскаги ковоқхона". 15.20 "Американинг еввойи табияти". Кўп серияли телефильм премьераси (АҚШ). 15.50 Драматик актёрлар куйлайди. Андрей Миронов номидаги кўшиқлар танлови.

17.00—19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 "Ҳақиқат онлари". А. Караулов саволларига МЕНАТЕП молия бирлашмасининг раиси М. Ходорковский жавоб беради. 20.00 Душанба кўни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Ғалати жазманлар". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан (АҚШ).

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Маски-шоу". "Маски операда". 22.05 Булат Окуджаваанинг муаллифлик кечаси. 23.10 Телеэкранда премьераси. "Эхтиросларни қўмсаб". Бадий фильм.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Маски-шоу". "Маски операда". 22.05 Булат Окуджаваанинг муаллифлик кечаси. 23.10 Телеэкранда премьераси. "Эхтиросларни қўмсаб". Бадий фильм.



СЕШАНБА

4 МАЙ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Матлубанинг бахти". Фильм-концерт. 8.10 "Ғалабадан сўнгги жанг". Бадий фильм. 1-серия. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 "Ота-ўғиллар". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Жугрофия. Табиий территориялар комплекслар. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўгирчоқлар — менинг дўстларим". 18.55 "Хотира". Телефильм. 19.05 "Қишлоқ тadbиркорлари". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Нақшлар бўстони". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 Муроджон Соҳибов куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессияси олдидан. 22.00 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Хадича Бобохонова. 22.40 "Ҳақиқат рўбга чиқсин". Бадий фильм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби

ЎзТВ II

18.30 "Кўхна қайнзор". Манзарали фильм. 18.40 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестри ижро этади. 20.30 Мукаррама Турғунбоева таваалудининг 80 йиллиги олдидан. "Мени шундайлигимча эслаб қолинг...". 21.30 Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.45 Янгиликлар. 7.20 Жаҳон халқлари ижоди. 7.50 Мультфильмлар. 8.35 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.

9.00 "Янги авлод танлайди". 9.50 "Муסיқий дўкон". 10.20 "Пи" белгиси билан". 11.10 "Шекспирада" мультсериали премьераси. 4-фильм — "Ез тундаги туш". 11.40 "Билл Клинтоннинг 100 кўни". 12.25 Актёрлар ва тақдирлар. "Само секинюрари". Бадий фильм ("Ленфильм", 1945 й. 1970 йилда қайта тикланган). 14.00 Янгиликлар. 14.25 "Шахзода ва Сув париси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 14.50 Большой театр сахнасида. Бенуа халқаро балет соврини учун. 16.45 "Қойилмақом еттовлон". 17.50 "Мавзу". 18.35 "Осойишталик". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 "Тасвирдаги сурат". Муслим Магомаев. 21.05 "Героин йўли". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. (Англия). 22.00 "Май юлдузлари". Халқ ижодиети халқаро фестивали. Кремль саройидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 "Янги кўхна олам". 7.55 "Ғафат сизлар учун". 8.25 "К-2" таништилади. 9.45 "Ати-баги". 10.15 Кипрас Мажейка. "Кичик Европадан репортажлари. 10.45 Такрорий фильмлар кинотеатри. "Баладлик" (1956 й.).

12.15 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.40 "Тақдир чорраҳалари. Америка кундалиги". 13.25 "Омад кулиб боққанда". 14.25

Драматик актёрлар куйлайди. Халқаро фестивал. 15.55 "Репортер". 16.15 "Маски-шоу". "Маски судда".

17.00—17.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 162-серия. 18.20 "Хар бир кун байрам". 18.30 Биз севган комедиялар. "Куюнма". Бадий фильм.

20.00—21.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.25 Телеэкранда премьераси. "Деторобнинг ўлими". Бадий фильм. 22.40 "Экзотика". 23.40 "Эс-Эн-Си тунги клуби".

ЧОРШАНБА
5 МАЙ
ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Қувондик Искандаров куйлайди". Фильм-концерт. 8.00 "Ғалабадан сўнгги жанг". Бадий фильм. 2-серия. 9.15 Турк тили. 9.45 "Кашфиётлар диёрида". "Оқушларни кутинг".

10.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 18.00 Янгиликлар. 18.10 Болалар учун фильм. "Ҳайвон ўргатувчи". 18.50 "Саноатимиз одимлари". Муборак газни қайта ишлаш заводи. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Зарафшон". "Ўзбектелефильм" премьераси. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Дўстларимиз санъати". Қорақалпоқ муסיқий театрининг "Ожиниёз" спектакли ҳақида. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессияси олдидан. 22.00 Санъат усталари ижросида концерт. 22.40 "Жумҳурият газеталарининг шарҳи". 22.50 "Маҳаллада дув-дув гап". Бадий фильм.

ЎзТВ II
18.30 "Озодлик қуни". Мультфильм. 18.40 "Кичик саёҳат". 19.10 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Муסיқий меҳмонхона". 20.30 "Қизикарли учрашувлар". 21.30 "Баҳор". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"
5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Кидди-видди". 8.35 "Бекаес Дягилев". Илмий-оммабоп фильм премьераси ("Леннаучфильм", Франция). 9.30 "Истеъодлар ва мухлислар". 10.30 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал. 13-серия. 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс
11.20 "Катта танаффус". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.30 "Танба белгиси". Телефильм премьераси (Олмаота). 13.55 Мультфильм. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультфильмлар. 15.40 Тольяттида ёшлар фестивали. 16.20 "700-клуб". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканални "Пешвоз чиқиб" кўрсатувини таништилади. 17.55 "Мулдор алифбоси". 18.10 "Миниатюра". 18.25 "Осойишталик". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Тасвирдаги сурат" Алла Пугачёва. 21.20 "Героин йўли". Олти серияли телевизион бадий

фильм премьераси. 5-серия. 22.15 "Бўлмагур гап". 23.00 Янгиликлар. 23.40 "L-клуб".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонгги концерт. 8.10 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 8.55 "Чашмалар". 9.25 Ишдан бўш пайтингда. "Балик" белгиси остида. 9.40 Мульти-пульти. 9.45 Санкт-Петербург балети. П. И. Чайковский. "Шчелкунчик". Мариинск театри спектакли. 11.05 Биз севган тароналар. 11.35 "Танаффус". И. Аллегрова куйлайди. 11.50 Хонаки экран. "Ҳам хаёт, ҳам кўз ёшлари, ҳам севи", Бадий фильм. 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.50 "Оқ қарга". 14.35 Телебиржа. 15.05 Янгиликлар. 15.20 "Рост" студияси. Болалар эстрада санъати халқаро фестивали. 1-қисм. 15.50 "Бизнес: янги номлар". 16.05 Трансросэфир. "Узоқ Шарқ". 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 163-серия. 19.40 Санъат майдони. С. Пробофьев. Фортепьяно ва оркестр учун концерт. 20.15 "Нина Кондратова хотирасига". "Оилавий портрет ракурсда" туркумидан кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Ошкора муסיқа-93" фестивали. Ганноверча Бигбенд. 22.15 Криминал хабарлар экрани. 22.25 "60 дақиқа". Си-Би-Эс кўрсатуви ҳамда Россия телевидениеси. 23.25 Баскетбол шарҳи.

ПАЙШАНБА
6 МАЙ
ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Хотира билан суҳбатлар". Телефильм. 8.05 "Аэлита, эракларга суйқалма". Бадий фильм. 9.30 Араб тили. 10.00 "Уйгур оиласи. Фильм-концерт. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиети. Чет эл адабиети ва замонавийлик. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

11.15 Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. XIV — XV асрларда маданий хаёт. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз". 18.30 "Санъат олами". 19.05 "Зориқиб кутилган кун". Телефильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55. Муסיқий дақиқалар. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Ўзанини топар дарелар". Адабий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида. 23.30 "Шаронгга қараб иш тут". Бадий фильм.

ЎзТВ II
18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Билим сарчашмалари". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди". 20.30 "Пульс". Хабарлар. 20.45 "Бу оқшомда". 21.55 "Жумҳурият газеталарининг шарҳи". 22.05 "Пульс". Хабарлар. 22.20 Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"
5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг". 8.40 "Джем". 9.10 "... 16 ешгача ва ундан катталар". 9.55 "Сергей Островой: шеърлари ва кўшиқлари". Фильм-концерт. 10.50 "Матбуот-экспресс".

Кундузги киноэкспресс
11.20 "Катта танаффус". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3 ва 4-сериялар. 13.25 "Учаётган тушлар". Телефильм премьераси (Литва киностудияси). 13.45 Мультфильм. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 А. Глазунов. "Раймонда" балетидан сюита. 15.30 Мультфильм. 16.00 "Джем". 16.30

"Ржевск варианты". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.05 Давлатлараро "Останкино" телеканални МДХ кўрсатувини таништилади: "Ўзаро ишонч кредити". 18.30 "Осойишталик". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Героин йўли". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 21.20 "Тасвирдаги сурат". Борис Гребенщикков. 22.05 Катталар учун мультфильм премьераси. 22.15 "Матбуот-экспресс". 22.30 "Овозли йўлка". 23.00 Янгиликлар. 23.40 Футбол. "Уэмбли сари йўл".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Кипрас Мажейка. "Кичик Европадан репортажлар. 8.25 "Ошкора муסיқа-93" фестивали. Ганноверча Бигбенд. 9.10 "Россия қобусномаси". 10.15 "Кузирхоним". 10.45 Параллеллар. "Шаҳар юбилейга тайёргарлик кўрапти". 11.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 162 ва 163-сериялар.

12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Ишдан бўш пайтингда. 13.20 "Петербург ангажементи". 14.40 Мульти-пульти. 15.00 Янгиликлар. 15.15 Россияда бизнес. 15.40 Трансросэфир. "Хусусийлаштириш панорамаси". 16.25 "Ўз манзили".

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 164-серия. 19.55 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.25 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 Криминал хабарлар экрани. 21.40 Телеэкранда премьераси. "Хўрланганлар" ва ҳақоратланганлар". Бадий фильм.

ЖУМА
7 МАЙ
ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Саодатли санъат сайералари". Фильм-концерт. 8.10 "Сўлим мавсум". Бадий фильм. 9.45 "Ёшлик" студияси. "Даврага кел, дугонажон". 11.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Наманган едгорликлари". Телефильм. 18.20 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон эшлигим". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Пилла—бойлигимиз". 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Ҳамкасблар". Радио ва тележурналистлар иш фаолиятидан. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида. 23.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг концерти.

ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.30 Хабарлар (рус тилида). 18.40 "Ден соолук". 19.10 "Қирғизтелефильм" премьераси. "Қирғиз радиосуна — 60 жыл". 19.40 "Дидарлашу". Акын-сатирик Ж. Рыспаев. 20.10 "Шериненин". Барактарынан. 20.25 "Назар" (билдирувлар, эълонлар). 20.30 Хабарлар (қирғиз ва рус тилларида). 20.50 Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида.

"ОРБИТА IV"
5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 Телеэкранда биринчи марта. "Баджаҳл". Болалар учун бадий фильм ("Туркманфильм"). 9.35 Уруш йиллари куйларини Б. Феоктисов чалади (балалайка). 10.00

“Саеҳатчилар клуби” (сурдо таржимаси билан). 10.50 “Матбуот-экспресс”. 11.00 Янгилликлар.

Театр шинавандалари, Сизлар учун!

11.20 Э. де Филиппо. “Афсунгар”. Евг. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.

13.50 “Баҳор лавҳалари”. Телефильм премьераси (Тошкент). 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 “Бридж”. 14.50 “Бизнес-класс”. 15.05 “Ён дафтар”. 15.10 Телеэкранда биринчи марта. “Баджаҳл”. Болалар учун бадиий фильм. 16.25 Давлатлараро “Останкино” телеканали “Ассалому алайкум, менинг кадрдонларим!” кўрсатувини таништиради. 16.50 “Иш”. 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.30 “Мулкдор алифбоси”. 17.45 “Инсон ва қонун”. 18.15 “Вагон-03”. 18.45 “Осойишталик”. Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 “Муסיқий жилолар”. “ВИД” таништиради.

20.40 “Мўъжизалар майдони”. 21.35 “Хафтанинг машхур кишиси”. 21.50 “Сиёсий бюро”. 22.10 “Музобоз”. 23.35 “Авто-шоу”. 23.55 “Икс” программаси. 00.20 “Обоз” майдончаси. Юрий Айзеншпис ва унинг дўстлари. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 01.20 “Матбуот-экспресс”.

“ДУБЛЬ IV”

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 “Антреприза”. Марк Розовский театри. 8.40 “Сиз яратган боғ”. 9.10 “Энг қадимий ленталар”. В. Матусов ва В. Копиловларнинг вокал дуэти. 9.40 “Хайвонот оламида”. 10.40 Параллеллар. “Шаҳар юбилейга тайёргарлик кўраяпти”. 10.55 Хонаки экран. “Санта-Барбара”. Кўп серияли бадиий телефильм. 164-серия. 11.45 Менинг Ватаним. “Вилоят мактублари”. 12.40 “Дехқонларга тааллуқли масала”. 13.05 “Ижица”. 13.35 “Ширин орзулар”. Бадиий-хужжатли фильм премьераси. 14.50 “Телебиржа”. 15.25 Парламент соати. 16.25 Танаффус. “Чайковский номли квартет”. 16.40 Янгилликлар. 16.55 Спорт кўрсатуви.

17.00—17.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 “Рост” студияси. Болалар эстрада санъати халқаро фестивали. 2-қисм. 17.55 Жума кунлари Дисней. “Ер сайёрасига юборилган”. Бадиий фильм. 9-серия. 18.45 “Хар бир кун байрам”. 18.55 “Юлдузлар сўнмайди”. Муסיқий кўрсатув.

19.55—21.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.25 Телеэкранда премьераси. “Яхшиликча хайрлашасак...”. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 23.40 “Сариқ сувости кемаси” клуби” (Эс-Эн-Си).

ШАНБА

8 МАЙ

ЎзТВ I

7.00 “Ассалому алайкум”. 8.00 “Генерал Рахимов”. Бадиий фильм. 9.35 “Алифбо сабоқлари”. 10.05 Миллий спорт ўйинлари. 10.35 “Фохрийлар — фохримиз”. Телеочерк. 11.00 Ўсмирлар учун. “Умид учкунлари”. 11.45 “Адабиёт ва маънавият”. 12.25 “Кизил Ярмой шўъласи”. 12.55 “Йўловчи ва транспорт”. 13.20 “Истиклол жилолари”. Муסיқий кўрсатув. 18.00 “Кичкинтой” студияси. “Ўйнаймиз-у ўилаймиз”. 18.50 “Бир лаҳза тўхтаг”. Зебо Ганиева номидаги ансамбль. Телефильм. 19.30 “Ўзбекистон” ахбороти (рус тилида). 19.50 Дунё воқеалари. 20.10 “Оқшом эртаклари”. 20.25 “Ижод саҳифалари”. Ўзбекистон халқ езувчиси Шухрат. 21.00 “Туркистон” ахбороти. 21.30 ХП чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида. 22.30 “Жумҳурият газеталарининг шарҳи”. 22.40 Мукаррама

Тургунбоева таваллудининг 80 йиллигига. “Рақс-93” танлови голибларининг концерти.

ЎзТВ II

17.00 АШТАБТ КЎРСАТАДИ.

“ОРБИТА IV”

5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 “Матбуот-экспресс”. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилликлар. 7.35 “Спорт-имкониёт”. 8.05 “Марафон-15” — кичкинтойларга. 8.35 “Экстрон-УЖ”. 9.05 Шанба кунги дастхат. 9.35 Экологик кўрсатув. 9.50 Тиббиёт ҳамма учун. 10.30 “Шекспириада” мультсериали премьераси. 5-фильм — “Бўрон”. 11.00 “Уч, етти, туз”. 11.10 Актерлар ва тақдирлар. “Цирк”. Бадиий фильм. (“Мосфильм”, 1936 й. 1970 йлда қайта тикланган). 13.00 “Янгра, гармон!”. Танаффус пайтида — 14.00 (Янгилликлар). 15.20 “Марказий экспресс”. Европа тележурнали. 15.50 “Шаҳзода ва Сув париси”. Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.15 “Ультраси”. Спорт кўрсатуви. 16.55 “Кизил квадрат”. 17.35 “Хайвонот оламида”. 18.15 “Оба-на-Угол-шоу”. 18.45 “Коламбия пикчерс” таништиради: “Негатив тасвир”. Телевизион бадиий фильм премьераси. “Майк Хаммер” телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 “Коламбия пикчерс” таништиради: “Помпейнинг сўнги кунлари”. Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (АҚШ). 21.25 “Матбуот-экспресс”. 21.35 “Қорқиз ва етти гном”. Эльдор Рязанов Леонид Якубович билан сўхбатлашади. 22.20 Донецк дўстларни тақиф этади. Концерт. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилликлар.

“ДУБЛЬ IV”

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 “Оламаг ўз нигоҳи билан қараш”. 7.45 “730 формула”. 8.05 “Рост” студияси. “Бизнинг “Аралаш-қуралаш”. 8.45 Фольклор. “Рязанда тўйлар”. 9.15 “Чегарасиз футбол”. 10.10 Такрорий фильмлар кинотеатри. “Тириклар ва ўликлар”. Бадиий фильм. 1-серия (1963 й).

11.45—15.20

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО

ТЕЛЕКАНАЛИ

1. “Рангинкамон” (тожик тилида). 2. “Нурли йўл”. 3. “Дўстлик тароналари”. 4. “Дийдор” (қозоқ тилида). 5. “Тулдак” (қорақалпоқ тилида). 6. “Табаррук сиймолар”. 15.20 “Ҳали анланмаган койнот”. 15.50 “Тилла шпора”. 16.20 Катталар учун мультфильм. 16.30 “Рек-тайм”.

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 “Олтин юлдуз” санъат фестивали. Волгограддан олиб кўрсатилади. 20.50 Спорт кўрсатуви. 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 “Юлдузлар билан сўхбатда”. 21.25 “К-2 таништиради. “Америка юлдузлари”. 21.55 “Ар-обстрел”.

ЯКШАНБА

9 МАЙ

ЎзТВ I

7.00 “Гул дарди”. Муסיқий кўрсатув. 8.05 “Туркистон” ахбороти. 8.35 “Махобҳорат. Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 14-15-сериялар. 10.05 Инглиз тили. 10.35 “Қахрамонлик мадҳи”. Улуг Ватан уруши қатнашчиси Тўхтасин Аҳмедов ҳақида телеочерк. 10.55 “Истеъдодли ешлар”. Ўзбекистон кинофото фестивали ҳақида. 11.35 “Билиб қўйган яхши”. 11.55 Мактаб ўқувчилари учун. “Кўшигим, жон кўшигим”. 12.35 “Галаба баҳори”. 18.00 “Бўри билан бузоқча”. Мультфильм. 18.10 Ўсмирлар учун. “Ўйла! Изла! Топ!”. Сурхондаре вилояти Саросие туманидаги Дашнобод қишлоғининг 35, 19-мактаблари ўқувчиларининг беллашуви. 19.05 “Кичик лейтенант ҳақида қасида”. Телефильм. 19.15 Ойнаи жаҳонда. 19.30 “Ўзбекистон” ахбороти (рус тилида). 19.55 “Ўзингни эр билсанг...”. 20.50 “Нурли Тошкент

оқшомлари”. “Ўзбектелефильм” премьераси. 21.00 “Хафтанома”. 22.00 “Тақдирин қўл билан яратур одам...”. Гафур Гулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган видеофильм премьераси. 23.00 “Мардлар кўриқлайди Ватанин”. Муסיқий кўрсатув.

ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05 — 11.20 “Баластан” студияси кўрсатади: “Хуш хабарлар”; “Жылдздуу бала”; “Бабалардан қалган соз”; “Баластан” студиясининг мейманканасида”; “Бевосита мулоқот”; “Бобок, сенин жомоғун”; “ТТ” (телевикторина) мультфильм. 18.25 Фахрийлар, сизлар учун. Концерт (киргиз ва рус тилларида). 19.30 “Арман”. Бадиий телефильм. 20.30 Хабарлар. Байрам сони (киргиз ва рус тилларида). 20.50 Киргизистон телевидениесининг хазинасидан. Киргизистон халқ шoirи Т. Уметалиев.

“ОРБИТА IV”

6.55 Янгилликлар. 7.35 “Спортлото” тиражи. 7.55 ТВ жамғармасидан. “Қалбга яқин кўшиқлар”. 8.25 “Уруш болалари”. Телефильм премьераси (“ЦСДФ”). 9.15 Мультфильм. 9.30 Театр учрашувлари. “Бу йўللари биз асло унутмаймиз...”. 10.30 “Харбий ревью”. 11.00 “Хор”. Хужжатли фильм премьераси (“ЦСДФ”). 11.20 “Сталинград жанги”. Бадиий фильм. 1-серия (“Мосфильм”, 1949 й).

“КТВ-1” ва “Франс интернациональ” канали таништиради:

13.00 “Пиф ва Геркулес”. Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 “Кусто командасининг сувости одиссеяси”. Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгилликлар. 14.20 Мультфильмлар премьераси: “Каспер ва унинг дўстлари”. “Ҳақиқий ажина овловчилар”. 15.15 “Веди”. 15.55 Аскар кўшиқлари фестивали. 16.55 “Панорама”. Хафталик халқаро кўрсатув. 17.35 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.50 “Фашизмга қарши курашларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси”. Бир дақиқалик сукунат. 18.02 “Галаба куниди: Хотиралар, едномалар...”. Муסיқий кўрсатув. 19.05 Катталар учун мультфильм премьераси 19.15 Телеэкранда биринчи марта. “Клим Ворошилов 2” танки”. Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 20.55 Эълонлар. 21.00 “Якунлар”. 21.50 “Парадиз-котейл”. 22.50 “Сўқмоқ”. Телефильм. 23.00 Янгилликлар. 23.20 Городки спорти. Галаба кунига бағишланган Улуг Ватан уруши фахрийларининг аънанавий мусобақалари. 23.45 Футбол. “Ўэмбли сари йўл”.

“ДУБЛЬ IV”

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 “Бизнинг болалик чоғимизда”. 7.50 “Рост” студияси. “Азамат йигитлар”. 8.20 “Тап-гаштакларни кўмсаб”. 8.45 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 9.45 “Гинчлик ва уруш”. 10.15 “03” кўрсатуви. 10.45 “Ати-бати...”. 11.15 “Одимлар”. 12.00 “Телеафиша”. 12.15 Такрорий фильмлар кинотеатри. “Тириклар ва ўликлар”. Бадиий фильм. 2-серия. 13.50 Мульти-пульти. 14.10 — 17.20 “ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ” 1. “Бурч” программаси. 2. “Безнеи мирас” (татар тилида). 3. “Умид” (уйгур тилида). 4. “Замандас” (қозоқ тилида). 17.20 “Ретро-шлягер”. 17.50 “Фашизмга қарши курашларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси”. Бир дақиқалик сукунат. 18.05 “Кесиб ташламанг”. 18.20 “Хар бир кун байрам”. 18.30 “Сиз кинони севасизми?”. 19.00 “Ноухау”. 19.30—21.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.30 “Харбий дала романи. Бадиий фильм. 23.00 “А” программаси.

(“Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз”дан олинди).

ФИРИБГАРЛИГИ ЎТМАДИ

Ф. Хўжаев тумани, Ленин номили кўчада яшовчи, шаҳар тайёрлов идорасида сотувчи бўлиб ишлайдиган Т. Бахтиёрга бир кимса, савдо базаларида таниши қўпчилигини айтганда, содда сотувчи унинг ёлгон гапига ишониб, унга нақд 10.000 сўм бериб, чой олиб беришни илтимос қилди. Мўмай пулни олган йигит кўздан ғойиб бўлгач, алданганини сезган сотувчи ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Бўлим ходимларининг олиб борган тезкор қидирув ишлари натижасида, ҳеч қаерда ишламай юрган фирибгар ушланди.

ЗЎРАВОНЛИГИ УЧУН

Бухоро шаҳар П. Неруда кўчасида фуқаро В. кўкрагидан пичоқланганлиги сабабли, оғир аҳволда шаҳар касалхонасига келтирилди. Кўрилган чоралар натижасида, бу жиноятни содир этган, фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган Р. аниқланди. Энди у бу зўравонлиги учун суд олдида жавоб беради.

ХАЛҚ МУЛКИГА ХИЁНАТ

Ромитан тумани пахта тозалаш заводи омборхонасидан 730 килограмм чигит ўғирланганлиги аниқланди. Ички ишлар бўлими ходимларининг олиб борган қидирув ишлари натижасида, халқ мулкига хиёнат қилганлар шу завод ишчиси Н. С. ва завод ҳайдовчиси Б. Ж. лар бўлиб чиқди.

“МИЛЛИОНЕРКА” ТОПИЛДИ

Бухоро шаҳар деҳқон бозорига кўппа-кундузи, соат ўн иккиларда Бухоро тумани Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Холназарованинг сумкасидан ўн икки минг сўмга сотиб олган “миллионерка” материални ўғирлаб кетилди. Бироқ, ўғри узоққа кетолмади. Милиция ходимлари тезда бу жиноятни содир этган Бухоро шаҳрида яшовчи А. ни аниқлаб, ушладилар.

ТАЪМАГИРЛИК

Ғиждувон туманида яшовчи Х. Т. шу туманнинг “Пахтаобод” жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Баҳодирдан унга тегишли бўлган “Восход — 3” белгили мотоциклини қайтариб бериш эвазига беш минг сўм пул талаб қилди. Ички ишлар бўлими ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли таъмагир ушланди. Ҳозир унга нисбатан тергов ишлари олиб борилаяпти.

“ҲАЗМ” ҚИЛОЛМАДИ

Олот тумани “Амударё” жамоа хўжалиги чўл худудидан фуқаро С. Янгиевнинг 6 бош қўйини номаълум шахс ўғирлаб кетган. Бироқ, ўғри бу қўйларни “ҳазм” қилолмади. Милиция ходимлари бу жиноятни муқаддам судланган Э. Б. содир этганлигини аниқладилар.

МАКТАБДАГИ ЎГИРЛИК

Ғиждувон тумани С. Жаббаров номли жамоа хўжалиги худудидида жойлашган Островский номли мактабнинг рус тили хонаси деразаси орқали мактабнинг икки дона “Протон—402” белгили магнитофони ўғирлаб кетилди.

МОТОЦИКЛ ИШҚИБОЗИ

Вобкент шаҳар жамғарма банки олдида шу банк ходими Р. Асадовнинг “Восход—3М” белгили мотоцикли ўғирланди. Шошинич кўрилган чоралар натижасида, мотоцикл ишқибози Вобкент шаҳрида яшовчи О. Ё. бўлиб чиқди. У ўз қилмишидан пушаймон.

ТАЛАБ КЕТИШДИ

Бухоро озиқ-овқат технологияси ва енгил саноат олий билимгоҳи ҳисобчиси О. Х.нинг қўлидаги сумкасини номаълум шахс “Минск” белгили мотоциклда катта тезликда келиб, олиб қочди. Сумка ичиди эса 50000 сўм пул, бриллиант кўзли узук ва шибирма ҳалқа бор эди. Жиноятчи ички ишлар ходимлари томонидан қидирилмоқда.

ТАЛОНЧИ ЁШЛАР

Бухоро шаҳар “Ўзбекистон 50 йиллиги” кўчасида жойлашган “Текстильшик” ёзги кинотеатри олдида ип газлама ишлаб чиқариш комбинати ишчилари Д. Дўстова ва Д. Эловаларни Бухоро шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1975 йлда туғилган Б. Р. ва Рудакий номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ж. И. лар кўппа-кундузи йўлини тўсиб, талончилик қилаётган пайтда милиция ходимлари томонидан ушландилар.

Шухрат Қўлдошев,

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, милиция майори.

МИЛЛИОНЛАР ОРЗУСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман ички ишлар ходимлари 3 февраль кунини 92-75 КПМ давлат рақамли “КамАЗ” юк машинасини текшириб кўрганларида, ундан жами 18 минг 144 банка мўраббо, 500 дона ҳар хил одяллар чиқди. Умумий баҳоси 1 миллион сўмдан кўпроқ бўлган бу молларни туманимизда истиқомат қилувчи А. Абзев руҳсатсиз республикаимиздан ташқарига олиб кетмоқчи бўлган экан. Унга 17 минг сўм жарима солинди, маҳсулотлар эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

ПАХТА ЎҒРИЛАРИ УШЛАНДИ

1993 йилнинг 8 январь кунини туман ички ишлар бўлими навбатчилик хонасига Тўрткўл тумани пахта тозалаш заводидан тунда номаълум шахслар ҳар бири 200 кг бўлган 5 та пахта тойн ўғирланганлиги тўғрисида хабар қилишди. Туманимизда аввал учрамаган ушбу жиноят юзасидан жиний иш кўзга тилиб, қидирув ишлари бошлаб юборилди. Тузилган тезкор гуруҳ ходимларининг фазол ҳаракатлари натижасида давлатнинг жами 117 минг 460 сўмлик маҳсулотларини ўмармоқчи бўлган 7 нафар нопок шахс қўлга олинди ва ҳозир улар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Б. Авазметов,

Тўрткўл ТИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ёрдамчиси, милиция майори.

Сизда ором қайда, сизда тин қайда, Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда?

(Мухаммад Юсуф)

ҚУТЛАЙМИЗ!

Бугун қадрли дўстимиз, Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги "Қуриқлаш" бирлашмаси 1-бўлим катта нозири, милиция майори Маширабжон Ҳамдамовнинг туғилган куни.

Биз дўстимизни 40 ёшга тўлганлиги муносабати билан чин дилдан қутлаймиз ва тани сўхатлик, ишларида ривож, оилавий тотувлик тилаб қоламиз.

Қирчиллама ёш юборак, Маширабжон!



БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.



ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

хизмат қилаётган Фарғона вилояти Учкўприк тумани ички ишлар бўлими ҳақида

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши кескин кураш кетаётганлиги ҳаммага маълум. Бу саъй-ҳаракатларнинг бошида ички ишлар бўлимлари турибди, албатта.

Яқинда сафарим Фарғона вилояти Учкўприк тумани томонга тушганди. Ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, милиция майори Бахтиёр Йўлдошев билан учрашдим. У кишидан тумандаги тартибни сақлаш ходимларнинг осойишталик йўлида олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдим.

Бошлиқ муовинининг айтишича, бу ердаги тинчлик посбонлари шаҳардаги ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ географик жиҳатдан катта ҳудудда хизмат қиладилар. Бу табиийки, ўз навбатида қўшимча қийинчиликлар тугдиради. Туманда, ДАНдан бошқа йўналишларда жиноятчилик ошиб бормоқда. Шундай экан жиноятчиликка қарши кураш ҳам мукамал тарзда олиб борилиши керак.

— Халқдан ажралиб қолмасликка ҳаракат қилиб, уларнинг кўмагига таяниб иш тутмоқдамиз, — дейди Б. Йўлдошев. — Туманда кўпайиб кетган мол-қўй ўғирланиши, гиёҳвандлик каби қонунбузарчиликларни олдини олиш, уларга қарши курашда аҳоли энг яқин ёрдамчимиз.

Февраль ойидан буён сурункали равишда, кечаю-кундуз навбатчилик ўтказиб келинмоқда. Жиноят кўпроқ тунда содир бўлади. Навбатчи патруль машиналар тумандаги корхона ва ташкилотлар, аҳоли пунктларининг ҳудудларини текшириб юришлари ишнинг ижобий томонга силжишида қўл келмоқда. Айниқса, ўғирлар учун "олтин кон" бўлган Қақир темир йўл станциясида давлат мулкни талон-торож қилишга интиланларнинг томири қирқилмоқда.

Қийин аҳволда ишлаётганлар жиноят-қидирув ва тергов бўлимлари бўлиб қолмоқда. Шунинг учун вилоят ички ишлар бошқармасидан икки моҳир ходим ёрдамга юборилди. Бу ҳам ўз ўрнида туман бўлими учун катта мадад бўлади, — дейди Б. Йўлдошев.

Энди эътиборни фактларга қаратайлик. Туманда тартибни сақлаш ишларини қанчалар самарали олиб бораётганлигини шундан билиб олишимиз мумкин. Утган йили биргина ўғирлик замирида қилинган жиноятнинг 270 таси фош қилинди. Бу йил эса икки ой ичидагина 200га яқин қиморбоз ушланди. Шулардан 40 фоизи гиёҳвандлик билан ҳам шуғулланишар экан. Майда жиноятларнинг фош қилиниши эса жиноят оламининг пихини ёрганлари изига тушишга ёрдам бермоқда. Масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан 310-кўчма колоннадан ўғирлаб кетилган "КамАЗ" автомашинаси Бекобод шаҳридан топиб келинди. Участка вакиллари томонидан уйда олти ярим килограмм наша бўлган, босқинчилик билан шуғулланган шахс қўлга олинди. Яна бир Н. исмли киши етти кило наша билан жавобгарликка тортилди. Бундай жиноятчиликка қарши туманда ҳар йили "Қорахон" шартли номи билан оператив тадбирлар ўтказилмоқда.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи муовини билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Тергов бўлими ходимлари Ғофуржон Йўлдошев ва Насриддин Муллабоевлар ҳам ўз соҳаларидан сўзлаб бердилар. Ўз вазифаларини уддалашларида замонавий техника воситаларининг етишмасликлари, экспертиза бўлинимаси йўқлигини гапирдилар. Шундай бўлишига қарамасдан тартибни сақлаш ходимлари ўз бурчларини тўлатқис адо этмоқдалар.

Илҳом ЭШМАТОВ.

ОТАШҚАЛБ АЁЛ

Милиция хизматини эркаклар учун ҳам энгил ишлардан деб бўлмайди, албатта. Чунки бу хизматнинг оғир ва ҳатто, ўрни келганда ҳаёт учун хавфли томонлари йўқ ҳам эмас.

Ана шундай ишга ўтиш учун астойдил киришган Сора Холбоева 1975 йилда Самарқанд педагогика олийгоҳини муваффақиятли битиргач, вилоят ички ишлар бошқармасига эркин ёлланган хизматчи бўлиб ишга ўтди. Ўз вазифасини сифатли ва сидқидилдан бажарар, имконияти борича милиция ходими бўлишга интилар эди. Албатта, буларнинг ҳаммаси раҳбарият томонидан эътиборсиз қолдирилмади. С. Холбоева тез орада санитария назорати милиционери лавозимига тайинланди. Бу хизматда ҳам Сора жонбозлик кўрсатиб, ўзини катта ишларга қобилияти борлигини намойиш этди. Шундай қилиб, у 1980 йилда вилоят ИИБ жамоат тартибни сақлаш бўлимига назоратчи этиб тайинланди. 1992 йилда ЖТСБ рухсатнома бериш гуруҳининг катта назоратчиси лавозимига ўтказилди.

С. Холбоева узоқ йиллар давомида ички ишлар маҳкамаларида фидокорона хизмат қилиб келаётганлиги учун турли мукофотлар билан тақдирланган. У ишлаб турган жамоасида меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги билан кўпчилик ҳурматини қозongan.

Сора опанинг милицияга ўтишига узоқ йиллар ички ишлар маҳкамаларида виждонан ва намунали хизмат қилган, истеъфодаги милиция майори, нафақадор



отаси Холбой Яхшибоевнинг таъсири катта бўлди.

С. Холбоева ўзининг турмуш ўртоғи Самарқанд чинни заводига қарашли кичик корхона бошлиғи Ашур Бобокулов ҳақида фахрланиб гапирди, чунки у она юмушлари, болалар тарбиясига жуда яхши кўмаклашар экан. Уларнинг уч фарзандлари вояга етмоқда. Гулбаҳор — Самарқанд дорилфунунининг 2-босқич толибаси, Улугбек ўрта мактабда аъло баҳолар билан тахсил олмоқда. Кичкинтой Анвар бўлса, жорий йилда мактабга бориш ниятидадир.

С. ЗОҲИДОВ.



ПОЙТАХТ вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилаётган милиция конвойлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини сидқидилдан, масъулият билан бажариб келмоқдалар.

Улар асосий ишларидан ташқари жамоат тартибни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнга) бўлимнинг жамоат тартибни сақлаш бўлинимаси нозири, милиция лейтенанти Ш. Пармонов, милиция конвойлари Ю. Нажимов, У. Файзуллаев ва Т. Абдусаломовлар билан суҳбатлашмоқда.

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ олган сурат.

ЎТТИЗ ЙИЛ АДОЛАТ ХИЗМАТИДА

Ўткур Мажидов Тошкентдаги ўртамаҳсус милиция мактабини 1969 йили тугатиб, Самарқандга қайтиб келди ва Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимининг тергов бўлинимасига терговчи лавозимига тайинланди. Ёш терговчи кўп қийинчиликларга дуч келган бўлсада, бўлинма ходимларининг кўмаги, беғараз ёрдамлари билан тергов ишини пухта ўрганиб олди.

Ўткур 1973 йили Самарқанд туман ички ишлар бўлимига хизматни давом эттириш учун юборилди. У бу ерда ҳам ўзининг касби — терговчиликни давом эттирди. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент олий милиция мактабига сиртдан ўқишга кириб, у ерни муваффақият билан битирди. У 1976 йилгача терговчи лавозимида ишлаб келиб, ички ишлар бўлими жамоаси ўртасида обрў қозонди ва шу йили бу туман ички ишлар бўлими тергов бўлинимасининг бошлиғи лавозимига тайинланди. Бу вазифада 1963 йилгача фаолият кўрсатди. Ҳозирда бўлинмада катта терговчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўткурнинг бор ҳақиқатни аниқлаб, жиноятчиларнинг сирини фош этиб, халқимизнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини поймол қиладиган кимсалар билан кураш олиб боришдаги машаққатли меҳнатлари зос кетмади, у киши Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, Самарқанд туман ички ишлар



бўлимининг бошлиғи, қолаверса вилоят, туман ижроия кўмиталари, хўжалик раҳбарлари томонидан тақдирланган. У 24 йил давомида терговда ишлаб, юзлаб жиноий ишларни тергов қилди.

1981 йили Самарқанд туман Чоршанбе қишлоғида яшовчи фуқаро Муқум Умаров ўқотар қурол билан фуқароларнинг шахсий мулкни очикдан-очик тортиб олиб, ҳаётга тажовуз қилганликда айбланарди. Бу ишнинг тергови Ўткурга топширилди. У бу иш устида кўп тер тўқди. Натижада Муқумнинг айби исботланиб, шериклари билан биргаликда озодликдан маҳрум этилди. Муқум Умаров 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилгандан кейин, жазони ўтаётган

колонияларда ҳам оғир жиноят содир қилганлиги учун маҳбуслар томонидан ўлдирилди.

Умуман шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўткур Мажидовнинг машаққатли меҳнатлари инobatта олинди. У 24 йил давомида милиция лейтенанти унвонидан милиция подполковнигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

У киши уч нафар фарзанднинг отаси, ибратли она бошлиғидир.

Ички ишлар бўлимида 14 йил давомида ўрта даражадаги зобитлар судининг раислигини ҳам бажариб келади.

Бу йил Ўткур Мажидов учун қувончли йил ҳисобланади, чунки у киши ярим аср ҳаёт кечириб, шундан 30 йилини давлат ва халқ манфаатини қўриқлаш ва ҳимоя қилишга бағишлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўткур Мажидовдан иш ўрганиб катта лавозимларда ишлаб келаётган ходимлар ҳам кам эмас. Самарқанд туман халқ судьяси Маҳмуд Муҳамедов, Иштихон туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Комил Қорабоевлар шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда ҳам Ўткур Мажидов устоз сифатида шоғирдларининг ишидан мамнун.

О. МАВЛОНОВ,
Самарқанд туман ИИБ бошлиғи,
милиция майори.

СИГИРЛАРИНГИЗНИ КИНОГА ЮБОРМАНГ!

Мана яшаймиз, кунимиз ўтиб турибди. Замонамиз кундан-кунга ривожланиб, ҳаётимиз тинч-тонув, осойишта кечаётганга ўхшайди. Лекин шу билан биргаликда турмушимизга доғ бўлиб тушаётган турли хил жиноятлар урчиб, кун-сайин кўпаймоқда. Тан олиб айтсак, иқтисодиётимиздаги муаммолар ҳамма соҳага ўзининг салбий таъсирини ўтказиб бормоқда. Етишмовчиликлару қийинчиликларга одамлар ўрганиб ҳам қолишди. Ҳалол кишилар эса ўзларининг меҳнатлари билан фақирона рўзгор тебратмоқдалар. Замоннинг оғирлигидан жамиятимизда ўғрилар, босқинчилар, фирибгарлар ҳам кўпайди. Бунинг устига эмгирдан кейинги кўзиқориндек патраган тижорат ҳамда воситачи дўконлардаги баъзи бир нархлар кишини ўйлантириб қўяди. Ўзингиз ўйланг, битта эркаклар костюм-шими 72 минг бўлиб турса маоши 5 минг бўлган қайси ҳалол одам пешона тери эвазига топган пулига бундай уст-бош олиб қийинчилик мумкин? Унда дўконларга нега чиқарилган? Балки харидорлари бордир...

“Қурбақанинг кўнгли маликада” деганларидек, ана шундай костюм-шимга муқаддам судланган Абдуғаффор ва Хамидулла деган шахсларнинг ҳам ишқи тушган кўринади. Бўлмаса ўғрилик қилмай тинчгина яшаверардилар-да. Хўш, пулни қаердан олишади? Э, шу ҳам муаммо бўлди-ю. Ахир, улар текин пул топишнинг “тажрибасидан” ўтишган-ку! Энг осон йўли ўғрилик қилиш. Начора, ўрганган кўнгли ўрганса қўямас, яна бир марта ўғрилик қилса қилибди-да. Зора, иштонли бўлиб қолишса.

Улар шундай ўй-хаёлда Бўстонлик туманининг Газалкент шаҳрига жўнашди. Бахтни қарангки, иш ўнгидан келиб, “Бўстон” кинотеатрининг енига келишса, кўнгли рангли она-бола сизир театрда юрибди. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, кейинги пайтларда сизирлар ҳам кинога ишқивоз чиқиб қолишди... Йўқ, бундай омадни қўлдан чиқарган наморд. Улар пайт пойлаб она-бола сизирнинг тўқайи (Фрунзе колхозининг) орқали ҳайдаб Абдуғаффорнинг Чирчиқ шаҳридаги таниши Марияникига олиб келишди. Жониворлар кечаси сўйилиб, гўштли сотилиб ҳам кетди. Лекин пули арзимаган — 34 минг бўлди-да. Ахир, бу костюм-шимнинг ярим пулига ҳам етмайди-ку. Эҳ, қандай замонларда яшаймиз ўзи? Бутун бошли сизир усти бошга етмаса!

— Энди нима қилдик-а? — ўйлаб қолди Ҳамид.

— Шошмай тур, — гапга қўшилди Абдуғаффор, — балки ўша жойга қайта “разведка” қиламиз. Зора, омадимиз келиб, яна “санъатсевар” сизирлардан учратиб қолсак.

Улар шундай суҳбат қуриб, Газалкент қайдасан дея йўлга чиқилди. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, бу гал кинотеатрда бир эмас, икки эмас, олти бош қорамол юрарди. Бу ернинг сизирлар бунча кинога “ўч” бўлишмаса.

Омад бир келса келаверарканда. Жониворларни кўрган Абдуғаффорнинг кўзлари севинчдан порлаб кетди. Ахир, шунча бойликка “эгаллик” қилиши мумкину қувонмай бўладими? Кўзларига яна тижорат дўконидagi костюм-шим кўриниб кетди. Энди буларни пуллашса етиб қолар, балки.

Улар Хайитвойга қарашли, жами 110 минг сўмлик бу жониворларни яна ўша таниши Марияникига олиб кетишди.


Бу ерда уларнинг биттаси сўйилиб музлаткичга босилди. Яна бири молхонага тортилиб, қолган тўрттасини эса Тошкент мол бозорига сотиш учун олиб жўнашди. Йўлда кетар экан, Абдуғаффор ва Хамидулла ширин хаёлларга берилдилар. Албатта, энди орзулари ушалади. Ахир тўртта сизир усти бошга етиб қолар. Шу пайтда тартиб посбонларининг тартибга чакиргувчи хуштаги бу икки ҳамтовоннинг капалигини учирди. Энди бу ега маълум, уларни қилмишига яраша жазо ва жазо муддатини ўташга мўлжалланган ўзларининг собиқ “ўй”лари кутмоқда. Доноларимиз “қингир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади”, деганидек, текин йўл билан топилган пул, албатта, тешиб чиқади.

Эсингизда бўлса, бу икки текинхўрга нисбатан мақоламиз бошида “муқаддам судланган” иборасини қўллаган эдик. Хўш, бу “ўтириб чиққан”лар у ёқдан кўзи очилиб келиш ўрнига нега яна жиноятга қўл уришди? Ахир, улар қайта жиноят қилмаслиги учун жазоланганди-ку! Бундан кўринадики, ҳозирги даврда қўлланилаётган жазо чоралари жиноятчининг “кўзини очиш”, тарбиялаш ўрнига уларнинг кейинги фаолиятида “тажриба орттириш” вазифасини ўтаётганга ўхшайди. Бўлмаса, халқ ичида “фалончи фалон йил ўтириб чиққан, ундан ҳайкиш керак”, деган гаплар учрамасди. Қанча кўп ўтирган бўлса, ундан шунча кўрқин керак... Аксинча, улар қилган айблари учун ҳам одамлардан уялиши, тортинишлари керакмасми?!

Шу ўринда буюк адбимизнинг “мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир”, деган сўзларини эсламан. Ота-боболаримиз яшаб ўтган ўша “қора кунлар”да кексаларнинг эътироф этишларича, кулф деган сўз ҳам бўлмаган. Савдогарлар номоз пайтлари дўконларини ениб, иппил билан, бойлаб ёки шундай эшигини беркитиб, масжидга чиқиб кетавераркан. Одамлар бировнинг молига кўз олайтирмас, сабаби худодан кўрқар, шариат қонунларини ҳурмат қилар, жиноятчи эса айбига яраша халойқнинг кўз олдида жазоланар экан. Бизнинг давримизга келиб турли-туман кулфлар пайдо бўлди-ю, барибир ўғрилик камаймади ва, аксинча, кундан-кун ортиб бормоқда. Лекин қалбимизда бир умид яшайди. Ўша боболар айтган “кулфсиз” кунлар ҳам келиб қолар...

Қудрат ОЧИЛОВ, журналист.

ҚИДИРИЛМОҚДА




Сергей Павлович Куксов, 1953 йилда туғилган. Белгилари: баланд бўйли, оқ оралаган малла сочли, кўзлари кўк, малла мўйловли, бурни узун, қизарган, қулоқлари катта. Унг оёғининг болдирида шиш бор.



Сергей Павлович Куксов, 1953 йилда туғилган. Белгилари: баланд бўйли, оқ оралаган малла сочли, кўзлари кўк, малла мўйловли, бурни узун, қизарган, қулоқлари катта. Унг оёғининг болдирида шиш бор.



Валерий Георгиевич Баев, 1952 йилда туғилган. Белгилари: бўйи 171 сантиметр атрофида, сочлари малла (оқ оралаган), кўзлари кўк.



Қиёмиддин Шоев, 1957 йилда туғилган, ўзбек, оилали. Сарносиё тумани Дашнобод матлубот жамиятининг 24-дўконда мудир бўлиб

Ички ишлар идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг масъул ходими, 1954 йилда туғилган Ҳабибулла Ғайбуллаевич Саломов қидирилмоқда. У 1992 йилнинг 18 декабрида тахминан соат 13 ларда республика прокуратураси биносидан чиққан ва ҳанузгача дом-дараксиз. Белгилари: бўйи ўртача — 175 см, озгин қоматли, елкалари тушган, юзи чўзиқроқ, дўнг пешона, сочлари анча тўқилган оқ оралаган, қошлари кенг ва ёйсмон, кўзлари бодомсимон, юқори қовоқлари шилган, бурни ўртачавабукик, танқайган, мўйлови бор, лаблари ўртача қалинликда, няғида кичик чуқурчаси бор.


Уст-боши: эғнида қора рангли, йўл-йўл костюм, узун енгли оқ кўйлак, тўқ жигарранг галстук, оёғида Италияда ишланган ипли қора туфли бўлган. Алоҳида белгилари: юқори жағининг олдинги тўртта тиши йўқ, илғари олган жароҳатлари натижасида ўнг елкаси озгина кўтарилган. Х. Салимовнинг кейинги тақдирдан воқиф бўлганлардан бу ҳақда Тошкентдаги 371-2, 33-54-58 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз. Мукофот ва, зарурат туғилганда, хабарловчининг шахси сир тутилиши кафолатланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ИИББ томонидан бир қатор оғир жиноятлар содир этган қуйидаги хавфли жиноятчилар қидирилмоқда.


Ушбу жиноятчилар ҳақида бирор нарса биладиган кишилардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки “02” телефони бўйича хабар қилишларини илтимос қиламиз.



Ғайрат Холбекович Қаҳқоров, 1962 йилда туғилган. Белгилари: бўйи 165 сантиметр, кўзлари ва сочи қора, юзи чўзиқроқ, бурнининг учи танқа, қоши қалин.



Икром Ҳақимович Ҳақимов, 1966 йилда туғилган. Белгилари: бўйи 165 сантиметр, гавда тузилиши ўрта, кўзлари ва сочи қора.



Александр Николаевич Суворцев, 1960 йилда туғилган. Белгилари: паст бўйли, сочи қора, қўйкўз. Унг қўлида машъала ва икки каптар татуировкаси, бармоқларида А. Е. С. ҳарфлари, чап қўлида МАНР ёзуви, “Этик кийган мушук” татуировкаси, бармоқларида “1959 йил” ёзуви бор.

Сурхондарё вилояти Сарносиё тумани ички ишлар бўлими томонидан бедарак йўқолган қуйидаги фуқаролар қидирилмоқда:

ишлаган. 1992 йилнинг 1 ноябрида уйидагиларга гуруч олиб келиш учун Хоразм вилоятига кетаётганлигини билдириб, чиқиб кетганича қайтмаган.

Ғайбулло Муродуллаев (ўнгдаги сурат), 1963 йилда туғилган, тожик, уйланмаган. Денов шаҳридаги авторемонт заводида ишчи бўлиб ишлаган. 1992 йил, 8 ноябрда уйидагиларга Денов шаҳрига кетаётганлигини айтиб, чиқиб кетганича қайтмаган.

Қ. Шоев ва Ғ. Муродуллаев ҳақида бирон-бир маълумотга эга



фуқаролардан бу ҳақда яқин орадаги милиция бўлимига ёки “02” рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мост тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб бериб берилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Ғ — 191, 34.449 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21. Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.